



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 5 ноябр, шанба № 179 (2020)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИКАДИ

«ГАЛЕНИКА» МАЛҲАМЛАРИ

Пойтахтимиздаги «Галеника» маъсулияти чекланган жамияти юртимизда етиштирилаётган табиий гиёҳлардан дори-дармон ишлаб чиқаради. Хозирги кунда корхонада йод, яшил суртма, балзам экстракти каби қирққа яқин шифобахш махсулот тайёрланмоқда.

Барча махсулотларимиз Соғлиқни сақлаш вазирлигининг дори воситалари ва табиий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси томонидан сертифициланган, дейди корхона раҳбари Ринат Мурсуров. Улар мамлакатимиздаги барча дорихоналар орқали хариддорларга етказилмоқда.

Юрак ва мия фаолиятини яхшиловчи тоғ жамбули экстракти, атиргуддан тайёрланаётган косметик глицеринлар, асаб тизими, юрак-қон-томир ва хафаконлик касалликларига даво арслонқўрққ настойкаси, бод ва бошқа хасталикларни даволашда яхши самара берадиган қалампир настойкалари замонавий технология асосида тайёрланмоқда.

Курултойдан кейинги ўйлар

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IV Курултойи катнашчилари ҳисобот давридаги фаолиятга танқид, ўз-ўзини танқид руҳида ёнашиб, асосий эътиборни галдаги вазифалар, ечимини қутаётган муаммоларга қаратдилар. Хусусан, бошланғич ташкилотлар жанговарлигини ошириш, ташкилотчилик ҳамда тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтириб, аъзолар сонини имкон қадар кўпайтиришга эришиш, касабакўм раислари, фаолларнинг давр талабига монанд равишда ишлашни таъминлаш, расмиятчилик, мурасосозликка барҳам бериш каби долзарб масалалар атрофида кизгин гап борди.

Анжуманда музокарада сўзга чиққан хотиклар ҳаётий мисоллар, солиштирма факт-ракамлар орқали касаба уюшмаларининг жамиятимизда тутган ўрни, нуфузи хусусида атрофлича тўхталдилар. Қуйида анжуман катнашчиларининг дил сўзлари эътиборингизга ҳавола қилинмоқда.

ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатимизни ҳимоя қилиш учун биз фермерлар касаба уюшмаларига ҳар қанча суюнсак оз.

Курултойда жаззаклик донгдор пахтакор томонидан фермер ҳўжаликлари касаба уюшма кўмитасини тузиш тақлифи ўртага ташланди. Мен бу тақлифга қўшилиман. Шунда мамлакатимизда кенг қулоч ёяётган фермерлик ҳаракати янада кўллаб-қувватланган ва химояланган бўларди.

Яна шуни мамнуният билан айтишни истардимки, вилоятимиз пахтакорлари бу йил 17 иш кунинда белгилаган режани ошириб бажарган экан, бунда биринчи навбатда йилгим-теримда иштирок этганларга яратилган яхши шарт-шароит, йил-йилнинг моддий ва маънавий рағбатлантирилиши,

ҳар қандай уюшманинг мадди одамларга кўрсатаётган нафи билан белгиланади. Шу босим гапимиз билан ишимиз бир-бирига мос бўлиши керак. Бунинг учун эса биринчи навбатда фаол, шижоатли, шу билан бирга халқ дарди билан яшаш керак.

Шу билан бирга меҳнат аҳлига моддий-маънавий кўмак бериш, уларнинг саломатлиги ва дам олиши билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, меҳнат қонунлари ва жамоа шартномаларининг ижросини мунтазам назорат қилиш, жамоатчилик онгинда ўзини-ўзи бошқариш кўникмаларини тарбиялаш, одамларнинг ташаббуси ва илганишларини рағбатлантиришга доимий эътибор билан қараш бирлашган касаба уюшмаси олдида турган долзарб

рида «Сурхон садоси» радио студияси ташкил этилди. Ушбу корхона маъмурияти томонидан Термиз ва Денов шаҳарларида аҳолига «Кабель-телевидение» хизмати кўрсатиб, янги иш ўринлари ташкил этилди. Замонавий ускуналарнинг ишлатилиши натижасида аҳолига юқори сифатли алоқа хизмати кўрсатилмоқда.

Курултойдан курултойгача ўтган даврда касаба уюшма фаоллари учун катта имконият яратилиб, иш режалари давр руҳи асосида тузилди ва уни бажарилиши бўйича назорат ўрнатилди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш касаба уюшмасининг асосий вазифаларидан биридир. Чунки меҳнат муҳофазаси инсон

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислам Абдуганиевич, Мусулмонлар байрами - муборак Рамазон ойи тугаши ва Рўза ҳайити муносабати билан шахсан Сизга ва Ўзбекистон халқига самимий қутловлар йўллашдан хурсандман.

Исламнинг инсонпарварлик қадриятлари бутун башариётнинг маънавий меросига мансубдир. Ислам цивилизациясининг умумжаҳон маданий ҳазинасига қўшган ҳиссаси бебаҳодир.

Евроросий давлати бўлиш Россия кўп асрлар мобайнида ислом олами билан анъанавий мустақам ришталар ила чамбарчас боғланган. Бизнинг мамлакатимизда тарихан ислом динига эътиқод қилувчи миллионлаб фуқаролар истиқод қилади. Улар кўп миллатли Россия халқининг ажралмас қисmidир.

Россия Ислам конференцияси ташкилотида кузатувчи мақомини олгандан кейин ислом ҳамжамияти билан кўп қиррали мулоқотни кенгайтириш имкониятларига эга бўлмоқда. Ишончим комилки, бундай ҳамжиҳатлик кўпгина глобал ва минтақавий муаммоларни ҳал этишга, амалий ва гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади.

Мамлакатларимиз дунёвий бўлишига қарамай, бу ёрқин байрам кўп миллатли Россияни дўст Ўзбекистон билан янада маҳкамроқ ақинлаштиради ва асрлар мобайнида муштарак тарихий тақдир синоидан ўтган Ҳамдўстлигимизни жипслаштиради.

Сизга мустақам соғлиқ ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига эса тараққиёт ва раванқ тилайман.

Эҳтиром ила, Владимир ПУТИН, Россия Федерацияси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари, Муборак Ийд ал-Фитр муносабати билан Сизни Иордания халқи, ҳукумати ва ўз номидан самимий муборакбод этаман.

Сиз, Жаноби Олийларига ва дўст Ўзбекистон халқига бардавон раванқ ва фаровонлик тилаб қоламан.

Абдулло Иккинчи бин ал-ХУСАЙН, Иордания Подшохи

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Сиз, Жаноби Олийлари ва биродар Ўзбекистон халқига Афғонистон халқи ва ўз номидан Рамазон ҳайити муносабати билан энг яхши тилакларни йўллашдан бағоят бахтирман.

Ушбу улуг кунларда Яратгандан барча мусулмонларга тинчлик, фаровонлик ва бахт-саодат ато этишини сўраб қоламан.

Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, муваффақият ҳамда биродар Ўзбекистон халқига тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Ҳомед КАРЗАЙ, Афғонистон Ислам Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Халқларимиз муборак Ийд ал-Фитр байрамини нишонлаётган ушбу айёмда Сизга дўстона табрик ва самимий тилакларимни йўллашдан бениҳоя мамнуман.

Сизга ва биродар халқингизга ушбу байрамни осойишталик, хайру баракот ва мўл-кўлчиликда кутиб олишингизни тилайман.

Яратгандан Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ҳамда биродар Ўзбекистон

халқига фаровон ҳаёт, мамлакатингизнинг янада гуллаб-яшнашини сўрайман.

Махмуд АББОС, Фаластин Миллий маъмурияти раиси, Фаластин озодлик ташкилоти Ижроия кўмитаси раиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Қутлуг диний байрам - муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийлари ва Ўзбекистон халқига самимий табрикларимни изҳор этишдан мамнуман.

Фурсатдан фойдаланиб, Аллоҳ таолодан Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, Ўзбекистон халқига фаровонлик, ислом умматига тинчлик ва тараққиёт ато этишини сўраб қоламан.

Ҳайитингиз муборак бўлсин! Али Абдуллох СОЛИХ, Яман Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Хурматли Ислам Абдуганиевич, Рамазон ҳайити муносабати билан Сиз ва Сиз орқали биродар Ўзбекистон халқига бағоят мамнуният ила самимий табрикларимни йўллайман.

Қодир Аллоҳдан Сизга куч-қувват, узоқ умр, юртингизнинг биродар халқига ҳамда ислом умматига тинчлик, фаровонлик ва тараққиёт ато этишини сўрайман.

Чуқур эҳтиром ила, Сапармурот НИЁЗОВ, Туркменистон Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноби Олийлари, Рамазон ҳайити муносабати билан Сизни ва барча юртдошларимизни муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Ушбу улуг айёмда Аллоҳ Ҳақ субҳонаҳу ва таолодан Сизнинг раҳбарлигингиз остида тинчлик, хотиржамликда фаровон ҳаёт кечираётган гўзал Ватанимизни ёмон кўзлардан, турли хил офат, балою қупатлардан ўз панохида асрашини сўраб қоламан.

Аллоҳнинг улуг неъматини тинчликдир. Бизнинг нотинг замонамизда ушбу буюк неъматни эъзозлаш ва асраш ўта муҳимдир.

Мамлакат осойишталиги, эл-юрт фаровонлиги йўлида яна узоқ йиллар сарбон бўлиб юришингизни Аллоҳдан илтижо қиламиз.

Сиз мухтарамга, Президент Жаноби Олийлари, барча эзгу ниятларингиз ва хайрли амалларингизда Яратган парвардигорнинг ўзи мададкор бўлишини тилаб қоламан.

Эҳтиром ила, Саудия Арабистонлик ўзбек ватандошлари номидан

Сафохон ибн Жалолхон тўра МАРФИЛОНЙ, Тўраҳон Аъзамхон ибн Жалолхон МАРФИЛОНЙ, Мелибек Исҳоқбек Иброҳим ТОШКАНДИЙ, Мўминхон Олимхон ибн Исмомил АНДИЖОНИЙ, Хуршидбек Олимбек ТОШКАНДИЙ, Абдуллоҳхон Исмомилхон Аҳмад ТУРКИСТОНИЙ, Абдурахмонхўжа ТУРКИСТОНИЙ ва бошқалар

Шунингдек, Рамазон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентини номига Араб Давлатлари Лигаси Бош котиби Амр Мусо, БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти Бош директори Жак Дюф, Бангладеш Халқ Республикаси Бош вазирини Холда Зиб Раҳмон, Кувейт Давлати Валиаҳди Шайх Саад ал-Абдуллох ас-Салим ас-Сабоҳ, Бошқирдистон Республикаси Президентини Муртозо Раҳимов, Ингушетия Президентини Мурат Зязиков ва бошқалардан табрик телеграммаларини олинди.

ДАВР ТАЛАБИГА ҲАМОҲАНГ ИШЛАЙЛИК

Мамлакат ҒОФУРОВА, Ромитан туман «Карвон» фермер ҳўжалиги раҳбари

Федерация Кенгашининг IV Курултойи нафақат касаба уюшмалари фаолиятида, балки биз фермерлар ҳаётида ҳам катта рол ўйнаши, шўбҳасиз. Негаки, нуфузли анжуманда халқ фаровонлигига эришиш, элга наф келтириш асосий вазифа эканлиги қайта-қайта таъкидланган билан бирга республикамиз фермер ва пахтакорлари эришган бу йилги муваффақиятлар омил қанда ҳам сўз борди. Таъкидланган, улкан оқ олтин ҳирмонидан фермерлик ҳаракати билан бирга касаба уюшмаларининг ҳам нуносиб улushi бор. Дарҳақиқат, бугун фермерлар ҳаётини касаба уюшмалари ҳамкорлигисиз тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, вилоятимиздаги мавжуд 6 мингга яқин фермер ҳўжаликларида меҳнат қилаётганлар нафақати жамоа шартномаси асосида қонуний ҳимоя қилинмоқда.



Вилоятимизда кейинги йилларда фермерлар ва касабакўмлар ўртасида ижтимоий шерикчилик битмига асосан томонлар мажбуриятлари ишлаб чиқилди. Унга асосан касаба уюшма кўмитаси фермер ҳўжалигининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга дастурийин бажарилишига кўмаклашди ҳамда бу борадаги ташаббусини кўллаб-қувватлади. Шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлаш ва бошқа тўловларнинг вақтида берилиши, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва санитария қондалари талабларига мувофиқлигини таъминлаш борасида иш беришни томондан тегишли чоралар кўришни талаб этади. Бундан ташқари фермерлар ва уларнинг оила аъзолари дам олиши ва саломатлигини тиклаш масалаларига кўмаклашиб, спорт ва маданий тадбирларни ўтказди. Энг муҳими, касаба уюшма аъзоларининг

меҳнат қилиш ва меҳнатига яраша ҳақ тўлашини, фаровон яшашни, саломатлигини тиклаш каби ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

Шу ўринда, бир мулоҳазани айтишни истардим. Ҳаётимда ҳаммиша яхши ва ёмон кунларни бир-бирига таққослашни хуш кўраман. Мен мактабни тугатиб далада ишлаган дамларимдан бери касаба уюшма аъзосиман. Тўғриси айтсам, бундай 10-15 йил олдин бу ташкилот нима иш билан шугулланишини билмасдим, аммо ҳаммиша аъзолик бадалларини тўлардим. Уша пайтда шундай қилиш шарт, деб ўйлаган бўлсам керак. да... Бугунги кунга келиб мустақиллик туфайли биз деҳқонлар ҳам қонуний ҳақ-ҳуқуқларимизни таниб етдик. Касаба уюшмалари эса бизнинг энг яқин ва ишончли ҳимоячимиздир. Бунинг фаолиятим мисолида кўриб, ҳис қилиб турибман. Маълумки, фермерлик дастлаб ташкил этилганда улар касаба уюшмасига аъзо эмас эдик. Биз фермерлар фаолиятимизга эса тўсиқлик қилувчилар кўп эди. Базван оддий масалаларни ҳал этиш учун ҳам сарсон-саргардон бўлар эдик. Касаба уюшмага аъзо бўлган, бу борадаги муаммолар ўз ечимини топди. Бугун бирор масаланинг ечимини тополмай қийналсанг ёки бирор муаммага дўч келсанг, касаба уюшмаларидаги ҳуқуқшунос ва мутахассислар хизматимизга тайёр туришади. Айтмоқчиманки,

вазифадир. Алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшма кўмитаси ва фаолларнинг маъсулияти давр талабига кўра мўхият ҳамда мазмун жиҳатидан ўзгарди. Шунинг учун биз айтиш керакки, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида қаерда ислохотлар тўғри амалга оширилиб, меҳнат аҳлига етарли иш ва дам олиш шароити яратиб берилса, яхши натижаларга эришилади.

Вилоятимизда алоқа соҳасида чет эл инвестициясининг киритилиши аҳолига кенг имконият яратди ва бир нечта кўша корхоналар, яъни «Уздуробита», Коском, Юнител, «УЗИ-Термиз», Ист-Телеком

ҳаёти билан боғлиқдир. Вилоят бўйича 15 нафар меҳнат муҳофазаси бўйича муҳандислар фаолият кўрсатишмоқда.

Зарарли ва оғир ишларда банд бўлган ходимлар ҳар йили табиий қўриқдан ўтказилмоқда. Улар учун қулай шарт-шароитлар яратилди, «УЗИ-Термиз» КК, Уздуробита, ТУММС-7 ва РТУМ корхоналарида талайгина ишлар амалга оширилди.

Ҳисобот даврида тизимдаги ходимлардан 192 та ёзма ва оғзаки шикоятлар келиб тушди. Улар ҳар тарафлама ўрганилиб, ижобий ҳал этилди.

Шеробод почта боғланмаси ходими Зулфия Ражабова штат қисқартирилиши муносабати билан ўз вазифасидан озод этилган. Ваҳоланки, унинг турмуш ўрғоти II гуруҳ ногирони, кўп болали оила.

Бирлашган касаба уюшма кўмитасининг аралашуви билан у иш билан таъминланди. Бойсун почта алоқа боғланмасидан Жўракул Шоимов касаба уюшма кўмитаси раисини бирлашган касаба уюшма кўмитаси розилиги олинмасдан ишдан бўшатишганлиги натижасида қонун бузилган. У ўз ишига қайта тикланди. Шунингдек Олтинсой телекоммуникация боғланмасидан Анорхол Сарикова, Сурхондаш Тўлеком филиалидан Гўлчехра Умарова касаба уюшма аралашуви билан қайта ишга тикланди.

Ўз-ўзидан маълумки, айниқса бозор иқтисодиёти муносабатларига ўттиш даврида қаерда интизом ўрнатилса, етакчи кўпроқ халқ тилини топса, меҳнатга нисбатан одамларнинг муносабати ўзгартирилса, ишлаб чиқаришда ички захиралардан тўлиқ фойдаланилса, ўша ерда ютуқ ва муваффақиятга эришилади. Чунки ҳар қандай муваффақиятнинг гарови биринчи навбатда қилинган меҳнатга, қолаверса, интизомнинг қай даражада йўлга қўйилганлигига боғлиқ.

Ушбу эзгу ишда эса касаба уюшма фаоллари пахтакорларга камарбаста бўлганлиги айни ҳақиқатдир.

Вилоятимизнинг шимол-ил миктақасида 14 минг номерли замонавий электрон рақамли АТСлар ишга туширилди. Ушбу АТСлар аҳолига 30 га яқин қўшимча хизмат турларини кўрсатмоқда. Шунингдек, барча туман ва шаҳарларда «Интернет-Кафе» аҳолига хизмат қилмоқда. Вилоятимизда ЕТС-450 русумли радио-телефон ишга туширилиши муносабати билан ҳам теле-аҳоли алоқаси боғлангани имконият яратилди. Олтинсой ва Термиз туманларида алоқа ўйлари қурилди.

Радио ва телевидение узатиш маркази раҳбарияти томонидан Термиз шаҳ-

ҳаёти билан боғлиқдир. Вилоят бўйича 15 нафар меҳнат муҳофазаси бўйича муҳандислар фаолият кўрсатишмоқда.

Зарарли ва оғир ишларда банд бўлган ходимлар ҳар йили табиий қўриқдан ўтказилмоқда. Улар учун қулай шарт-шароитлар яратилди, «УЗИ-Термиз» КК, Уздуробита, ТУММС-7 ва РТУМ корхоналарида талайгина ишлар амалга оширилди.

Ҳисобот даврида тизимдаги ходимлардан 192 та ёзма ва оғзаки шикоятлар келиб тушди. Улар ҳар тарафлама ўрганилиб, ижобий ҳал этилди.

Шеробод почта боғланмаси ходими Зулфия Ражабова штат қисқартирилиши муносабати билан ўз вазифасидан озод этилган. Ваҳоланки, унинг турмуш ўрғоти II гуруҳ ногирони, кўп болали оила.

Бирлашган касаба уюшма кўмитасининг аралашуви билан у иш билан таъминланди. Бойсун почта алоқа боғланмасидан Жўракул Шоимов касаба уюшма кўмитаси раисини бирлашган касаба уюшма кўмитаси розилиги олинмасдан ишдан бўшатишганлиги натижасида қонун бузилган. У ўз ишига қайта тикланди. Шунингдек Олтинсой телекоммуникация боғланмасидан Анорхол Сарикова, Сурхондаш Тўлеком филиалидан Гўлчехра Умарова касаба уюшма аралашуви билан қайта ишга тикланди.

Ўз-ўзидан маълумки, айниқса бозор иқтисодиёти муносабатларига ўттиш даврида қаерда интизом ўрнатилса, етакчи кўпроқ халқ тилини топса, меҳнатга нисбатан одамларнинг муносабати ўзгартирилса, ишлаб чиқаришда ички захиралардан тўлиқ фойдаланилса, ўша ерда ютуқ ва муваффақиятга эришилади. Чунки ҳар қандай муваффақиятнинг гарови биринчи навбатда қилинган меҳнатга, қолаверса, интизомнинг қай даражада йўлга қўйилганлигига боғлиқ.

Ушбу эзгу ишда эса касаба уюшма фаоллари пахтакорларга камарбаста бўлганлиги айни ҳақиқатдир.

Вилоятимизнинг шимол-ил миктақасида 14 минг номерли замонавий электрон рақамли АТСлар ишга туширилди. Ушбу АТСлар аҳолига 30 га яқин қўшимча хизмат турларини кўрсатмоқда. Шунингдек, барча туман ва шаҳарларда «Интернет-Кафе» аҳолига хизмат қилмоқда. Вилоятимизда ЕТС-450 русумли радио-телефон ишга туширилиши муносабати билан ҳам теле-аҳоли алоқаси боғлангани имконият яратилди. Олтинсой ва Термиз туманларида алоқа ўйлари қурилди.

Радио ва телевидение узатиш маркази раҳбарияти томонидан Термиз шаҳ-

Бекатда митти автобуста чиқарканман, ундан туган икки киз шундоқина оёқларини остига бир ховучдан pista пўчоқларини сочиб кетишди. Кўнглим гашланди.

Кизик, жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида кунгабоқар экани ёғ олиш учун экилади, бизда эса уруғини қабиб, эрмак қилиш, ён атрофни ифлослантириш учун фойдаланилади. Нега биз ҳам ундан ёғ олмаймиз?

Касалликлар орттириш дедами. Дарҳақиқат, уни қовуриш, куча-куйда сотиш пайтида микроблар ўтиради.

Агар бозорларда сотилаётган кўллаб кунгабоқар уруғидан мой олинса қанчалар фойдали бўлур эди. Кўчалар, хие-бонлар, автобус, трамвай, троллейбус салонлари pista пўчоғидан ифлосланмасди.

Кунгабоқардан 45-47 фоиз ёғ олинади. Уни дашт туманларда ва хатто, қурғоқ ҳудуд-

ларда ҳам ўстириш мумкин. Кунжараси чорва учун энг яхши ем бўлиб, поясни қулидан ишқор ва ўғитлар олинади. Ёғи олинган pista ҳовласининг қанчалик тўйимли ва хушхўр эканини ҳамма билади.

Шундай экан, оддий ҳисоб-китоб қилайлик. Бозорда бир кило кунгабоқар pista 400-500 сўм. У килодан 1,2 - 1,5 кило кунжар олинади. Хом ашёни 1200 сўмга олган эдик. Ундан чиқадиган ёғнинг қилосини 1000 сўмдан бахоласак, ўз кило pistaдан олган ёғимиз хом ашё нархи 1200 сўмни қоплайди. Олинган 1,5 кило кунжара эса жувозкаш иш ҳақи ва электр сарфига бемалол етиб, ортади. Негаки, хозирги пайтда ҳар кило кунжара нархи ҳам 90-100 сўмдан кам эмас. Бу жайдарин усулда ёғ олиш ҳисоб-китоби. Агар санаот усулида олинган бўлса, бундан ҳам самарали ва теҳамли бўлади.

Бу билан биз экологик тоза, шифобахш ва арзон ёғ ишлаб

чиқарибгина қолмай, кўча ва хидамлиги, жамоат ҳўжларини чиқиндидан тозалаш ҳам бўла-миз.

Ёғлиги жиҳатидан кунгабоқардан қолишмайдиган яна бир

надиган тола пишқлиги ва чидамлиги сабабли сифатли қозғолар, қлёвнка ва хатто, линолеумлар ишлаб чиқариш мумкин. Хозирги кекса авлод киши-лари уруш йилларида баъзи иш-

билармонлар зигирдан ип йиғи-майдиған киши бўлмаса керак. Халқимиз зигир ёғида асосан, палов пиширади. Унинг оши яхши ҳазм бўлади, жигар, буйрак, нафас йўллари ва бошқа касалликларни даволайди, уйку фаолиятини мейёрлаштиради. Буюк табиб Абу Али ибн Сино зигир ёғидан ўпка шамоллаши, жинсий ожизлик каби касалликларни даволашда фойдалангани маълум.

Зигирдан мой олиш билан бирга совун ҳам ашёси ва олиф ҳам олинади. Ундан ҳосил қили-

надиган тола пишқлиги ва чидамлиги сабабли сифатли қозғолар, қлёвнка ва хатто, линолеумлар ишлаб чиқариш мумкин.

МАҲАЛЛА КАТТА КУЧ

Шаббоз овулининг қадимий тарихи бор. Жайхун бўйларда жойлашган бу кўркам масканда азалдан ер билан тиллашган миришкор дехқонлар яшайди. Тиллими тилини брадиган қовунларнинг таърифи етти килмига кетган.

Мулк шакли ўзгариб, зарар қўриб ишлаётган ширкат ўрнида фермерлик вужудга келганидан сўнг аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида жиҳдий силжишлар рўй берди. «Шаббоз» номи билан юртиладиган муқобил машина-трактор парки масъулияти чекланган жамияти раҳбари Қўзибой Райимбоев ва фуқаролар йиғини раиси Шавкат Собировларни йўлга олгани билан пайтада учратдик.

Фермерларимиз худудда яшовчи ўн нафар ёлғиз қарияларни оталиққа олишган, — дейди овул оқсоқоли. — Ана шу кексаларнинг ҳолидан хабар олиб, озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатмоқчимиз.

Саховат, бағрикенглик, меҳр-муҳаббат, бир-бирини қўллаб-қувватлаш каби инсоний фазилатлар маҳаллада вужудга келади. Уша кунни оқсоқоллар Ж.Ураббоев, Б.Нуриев, Ж.Туримов, Э.Ўқубоев каби фермерлар билан тўшақда ётиб қолган ногиронлар ҳолидан хабар олиб, моддий ёрдам кўрсатишди. Бундай олижанобликдан кексаларнинг кўнгли тоғдек кўтарилди.

Фуқаролар йиғини худудда 6 та маҳалла бўлиб, уларда 12 минг 242 нафар киши истиқомат қилади. Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари асосида аҳолини ижтимоий муҳофазалаш алоҳида эътибор берилаяпти. Йиғин қосида ташкил қилинган комиссиялар, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллар билан ҳамжихатликда одамлар турмуш шaroитини яхшилашга қаратилган ибратли ишлар амалга оширилляпти. Хонадонларнинг асо-

сий қисми табиий газ, ичимлик суви билан таъминланган.

Қишлоқ инфратузилмаси ривожланмоқда. Кейинги икки йилда ундан ортқ маданий-маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари ташкил этилди. Клуб, кутубхона, 5 та дўкон хизмат кўрсатяпти. Кичик бизнесни ривожлантиришга қўл урганларга амалий ёрдам кўрсатилаяпти. Утган даврда 42 та фермер хўжалиги тузилди, 1292 гектар сугорилдиган майдон ажратиб берилди. 2000 га яқин киши иш билан таъминланди. Фермерлар Беруний туманида биринчи бўлиб йиллик режани бажардилар ва катта даромад олдидилар. Халқ турмуш фаровонлиги яхшиланиб, оилалар енгил машина, телевизор ва замонавий мебеллар харид қилишяпти. Кўркам турар-жойлар кўпаймоқда. Утган даврда юздан ортқ никоҳ тўйла-ри ўтказилиб, янги оилалар вужудга келди.

Мавжуд 2 та рўмол тикиш цехи, ўнга яқин маиший хизмат ва савдо тармоқларида 30 дан ортқ маҳаллий қизлар учун иш ўрни очилди. 2 та сартарошхона, 2 та ҳаммом, радио-телевизор тўзатиш устанонаси фаолият юритмоқда. 5 та умумтаълим мактаби, 2 та боғча-мактаб мажмуасида минглаб ўғил-қизларга пухта билим берилляпти. Муҳтож оилалар, ногиронлар, меҳнат ва уруш фахрийларига доимий моддий ёрдам кўрсатилляпти. Кам таъминланган оилаларга 3 миллион 208 минг сўмлик моддий ёрдам пуллари тўланди. Узгалар ёрдамга муҳтож ёлғиз қарияларга 8 хилдаги озиқ-овқат ва кундалик ахтиёж моллари тарқатилляпти. 11 нафар иккинчи хажон уруши катнашчилари, тадбиркор, фермер

ва ҳомий ташкилотларга бириктирилиб қўйилган.

— Аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш, миллий ўзликни англаш, жамият аъзоларининг сиёсий маданияти ва маънавий дунёқарашини юксалтиришда яқиндан кўмаклашимиз асосий вазифамиз, — сўзларини давом эттиради фуқаролар йиғини раиси. — Аҳоли ўртасида тинчлик ва оқойишталликни сақлаш бўйича тушунтириш ишлари кучайтирилганлиги туфайли худудимизда қонунбузарлик ҳолатлари камайиб бормоқда.

Туман прокуратураси, ички ишлар бўлими, хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот»

БОР БЎЛ, МЕҲРУ-ОҚИБАТ!

ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла», «Соғлом авлод учун», «Нуроний» жамғармалари билан ҳамкорликда овулларда «Огоҳлик — давр талаби», «Ўз уйингни ўзинг асра», «Терроризмга ўрин йўқ», «Диний ақидапарастликнинг зарарли оқибатлари», «Ватан саждаҳо каби муқаддас», «Оталар сўзи — ақлининг қўзи» мавзуларида ўтказилган сўхбатлар ёшларда катта таассурот қолдирди.

Турли миллат ва элат вакиллари ягона оила фарзандларидек аҳил ва иноқ меҳнат қилаётган Оролбўйининг олис овулида олиб бориладиган ибратли ишлар одамларни ижтимоий муҳофазалаш, уларга ўртасида тутовлик ва бирдамликни мустаҳкамлаш, бағрикенглик ҳолатлари ва демократик қадриятларни қўриқтиришга хизмат қилмоқда.

И.ҲИҚМАТОВ,
«Ишонч» муҳбири



ЮРТБОШИМИЗНИНГ КЕЙИНГИ ВАҚТЛАРДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАРИ ШАРОФИГА БИЛАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯЛАШ ТИЗИМИ ЯНДА КУЧАЙТИРИЛДИ. ЯГОНА СОЛИКНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ, ХИСОБТОПШИРНИ ТАРТИБИНИНГ СОДДАЛАШТИРИЛИШИ, АЙНИКЕС ТАДБИРКОРЛАРГА НИСБАТАН ҲУҚУҚИЙ ТАЪСИР ЧОРАЛАРИ ФАКАТ СУДЛАР ТОМОНИДАН БЕГЛИКЛИНИ ИШИБ-ЛАРМОНЛИК МУҲИТИГА ЯНГИ ЖЎШКИНЛИК БАХШ ЭТДИ. НАТИЖАДА ХУСУСИЙ ҚОРХОНАЛАРДА МАХСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ КЕСКИН КЎПАЙМОҚДА, АЙЛАНМА МАБЛАГЛАРДА Фойдаланиш имкониятлари кенгаймоқда, фойдаланиш кўп қисми мулкдорнинг ёнига қолмоқда.

ШИРИН СЎЗ ЖОН ОЗИФИ

Рашид Собитов Қўрғонтепа туманидаги Султонобод қишлоғидаги изланувчан, ташаббускор, ишчан тадбиркорлардан. У савдо-сотик билан шуғулланадиган хусусий фирманинг мулкдори. Отаҳон маҳалладошларига бош бўлиб, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи кичик қорхона, новойхона, қасб-хоналар очган. Натихада вақ-

тинча ишсизлик макомини олган 10 нафарга яқин фуқаролар муқим иш ўрнига эга бўлдилар. Унга қарашли савдо дўконлари сотилаётган кенг истеъмол молларининг сифатлилиги, нархлари арзонлиги билан ажралиб туради.

Отаҳон тоғганини эл билан баҳам қўришга, савобли юмушларни қилишга одаланган. Мустақиллик байрами арафасида шахсий жамғармаси ҳисобидан нуронийлар чойхонасини тиклаб, қишлоқ отахонларига совға қилди. У ҳайру-саховат тадбирларидан сира четда қолмайди. Янги йўллар бунёд этиш, кўприклар қўриш, аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш каби сабабли ишлардан пулни аямайди.

Хонабодлик ота-оналар маҳаллий тадбиркор Мавлудахон Обидовадан бир умр миннатдорлар. Чунки, Мавлудахон ишбилармонлиқни ҳамшахарларини ижтимоий ҳимоялашдан бошлади. Яъни банкорт деб эълон қилинган қорхонани қайта ташкил этиб,

Даврада гап кўзғолди-ю шаҳардаги яхши фазилатли кишилар, уларнинг инсоний фазилатлари бирма-бир тилга олина бошлади. Мавзу Абдуҷалил Мўминовга бориб тўхтаганида кимдир:

— Бу одамга таъриф топа олмайман, — деб қолди. Бошқа бир киши: — Абдуҷалил отанинг галати «тадбиркорлигини» эшитдиларингми? — деди ярим кулиб, ярим жилмайиб. Бу воқеага анча вақт бўлди. Хизмат сафаридан қайтишимда Абдуҷалил Парпиев деган бригадир уэр охангиди:

— Сиз шаҳарни яхши биласиз, Абдуҷалил ака деган кичкинчи таний-сизми? Уша одамнинг иш жойи ёки манзилгоҳи керак эди-да менга, — деди. А.Мўминов ҳақида батафсил сурштирган, қулдим...

— Тўғри, кино соҳасида ишлайди. Аммо оддий киночи эмас, Машраб кинотеатрининг бошлиғи, нима гап эди? Бригадир Абдуҷалил акани сўраганлиги боисини айтиб берди. Маълум бўлишича, Наманган вилоятининг тоғли худудларидан ҳисобланган Нанай томонга оиласи билан йўли тушган экан. Кечга қолишибди. Бунинг устига ёмғир қуйиб юборибди. Аксига олганда бир кўнглисизлик устига иккинчиси қўшилибди, деганларидек қишлоқдан беш-ўн қақирим узоқлашмасларидан автомобил балони пучайиб қопти. Шошилинчда захира олишмаган экан.

Ёмғир қуйиб турибди. Йўл четиде тўхтаганман, — ҳижоқ қилади Абдуҷалил ака. — Яхшики, қарана-қарши томондан битта енгил машина кўринди. Қўлимни кўтардим. Инсофи бор экан, тўхтади. Аҳолини тушунтирдим. Шаррос ёмғирда ўзадиги балонини олиб менга қуйиб берди. Ҳарчанд узатмайин, пулни олмади.

— Киночиман, шаҳардаги қайси кинотеатрга бориб сўрасангиз, мени танишадими. Йўл тушса, ташлаб қўясиз, деганди. Шундан бери хен кунт қила олмадим. Қаердалигини айтинг, албатта ўтаман, миннатдорчилик билдириб қўтайман. Сал ўтмай Абдуҷалил акани учрат-

О.ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» муҳбири

ҚАДР

Инсон доимо эзгу ишлар қилишга интилиб яшайди, хайрли амаллари орқали одамлар қалбидан жой олади. Маманазир Ҳақимов ана шундай кишилардан. У фидокорона меҳнати билан мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга катта ҳисса қўшгани, илгор технологияларни, жумладан, ишхона-толали кабелларни жорий этишда улкан ютуқларга эришганлиги ҳамда жамоат ишидаги фаоллиги учун «Меҳнат шухрати» ордени билан мукофотланди.

Шу йили ёзда нафақага чиққан Маманазир ака Норинкапа қишлоғида ижара асосида очган шаҳарлараро телефон сўзлашув шохобчасида ўз юмушлари билан банд эди. Бир пайт қишлоқ почтачиси Солижон Ҳайдаров кириб келиб «Маманазир ака, табриклимайман...!» деди газетани қўлига тутқазиб. У давлат мукофоти билан тақдирланганлар қаторида ўз фамилиясини қўриб, шошиб қолди. Чунки Маманазир ака бундай мукофотга сазовор бўлишни хаёлига ҳам келтирмаган эди.

34 йилдан ортқ алоқа соҳасида ҳалол, самарали меҳнат қилиб, обрў-эътиборга эришган Маманазир ака хонадонига қишлоқдошлари, дўсту биродарлар ташриф буюриб, сидқидилдан муваққабод этишганда, 80 ёшни қаршилаган онахон Майсара аянинг кўзларида қувонч ёшлари пайдо бўлди.

Маманазир ака Норин тумани Норинкапа қишлоғида оддий дехқон оиласида таваллуд топиб, тенгқурлари қатори қишлоқда ўсиб, воёга етди. 1968 йилда ўрта мактабни битиргандан сўнг ота-онасининг тавсияси билан Наманган шаҳар қасб-хунар ўқув юртига ўқишга кирди. Меҳнат фаолиятини Наманган алоқа қорхонасида оддий ёрдамчи электромонтёрликдан бошлаган йигит алоқачиликнинг сир-асрорларини пухта ўрганди. Электромонтёрлар бригадасига етакчилик қилди. 1998 йилдан бошлаб Наманган шаҳар телекоммуникация боғламасида меҳнат фаолиятини давом эттириб, симли радиотармоқ электромонтёри, кейинчалик АТСлараро боғловчи линияларни таъмирлаш бўлимида 5-тоифали электромонтёр қасбига ишлади.

Тақрибиси ортган сари уни маъсулиятли объектларга тақлиф этишди. У Наманган шаҳрида барпо этилган АТСлараро боғловчи ишхона толали айлани алоқа тармоғи қурилишида, ЖВБ лойиҳаси асосида ишхона толали алоқа кабел линияси учун каналлаштириш тармоғини тайёрлашда фаол иштирок этди.

Маманазир ака қасбдошлари ва дўстларидан бе-миннат маслаҳати, бегараз ёрдамини аямайди. Шу боис ҳам улар ўртасида хурмат-эътиборга сазовор бўлди. У ҳаётида ўз ўрнини топишида биринчи устоз Мамадрайман Мансуров ҳисса беқеълигини гапиршидан чарчамайди. Энди унинг ҳам шогирдлари бор. Н.Аҳмадов, Ш.Гафуров, А.Аҳеуллов, С.Ғофуров, Р.Мамадалиев ва бошқалар бугунги кунда «Намангантелеком» филиалида турли қасбларда меҳнат қилишмоқда.

Бағри кенг, меҳрибон ота Маманазир ака ибратли оила бошлиғи, умр йўлдоши Лобархон опа билан бирга, бир ўғил, уч қизни воёга етказишди. Ўғли Фахриддин ота изидан бориб, Наманган шаҳар телекоммуникация боғламасида кабелчи қасбига иш-ламоқда.

С.АЪЗАМОВА,
«Ишонч» муҳбири

АРЗОН ВА СИФАТЛИ ХИЗМАТ

124-Янгиер масъулияти чекланган жамияти Сирдарё вилоятинида аҳолига арзон ва сифатли хизмат кўрсатувчи қорхоналардан саналади. Ўз тасарруфидидаги микроавтобусларда шаҳар аҳолининг ўз-ғини яқин, мушқулини осон қилишга муносиб ҳисса қўшиб келаятган қорхона жорий йилнинг тўққиз ойини қарийб 80 миллион сўм даромад билан яқунлади. 800 минг нафарга яқин йўловчи ўз манзилига етказилди.

Қорхона тасарруфидида турли русумдаги 78 та транспорт воситаси бор. Пахта йиғим-терими мавсумида 45 та автобус пахтакор ва хашарчиларга хизмат қилди. Ҳисоб-китобларга қўра, ушбу мавсумда ишлаб топилган маблағ 25-30 миллион сўмни ташкил этапти.

(ЎЗА)

ҲОМИЙЛАР КЎМАГИ

Мақта таълимини ривожлантириш Давлат умумийлиги дастурига мувофиқ, замонавий кийфа қасб этаётган таълим муассасалари қаторига Олмалик шаҳридаги 4-мактаб ҳам қўшилди.

Бундан эъллик йил муқаддам қурилган, томидан чакка ўтадиган, синфхоналари исимайдиган мазкур билим маскани анча таъмирталаб бўлиб қолган эди.

Олмалик кон-металлургия комбинати ажратган 430 миллион сўм булғал эвазига мактаб бутунлай қайта реконструкция қилинди. Иситиш тизими, томи янгиланди. Металлургия мактабга қўшимча ўқув биноси, спорт зали, ошхона ҳам қуриб берди. Мактаб атрофи ўралди. Айни кунларда 660 нафар ўғил-қиз кенг ва ёруғ, замонавий жиҳозланган, иссиқ синфхоналарда ўқимоқда.

Шаҳардаги 23 та мактаб, 19 та болалар боғчаси, бошқа таълим муассасалари ҳам кўш маъсулиятга пухта тайёрлаб қўйилди. Натихада бу йилги қиш мавсумида уларни иситиш бўйича айтарли муаммо қўтилмаяпти.

Утган йилги болалар боғчаларини иситишда айниқса қийналган эдик, — дейди шаҳар халқ таълими бўлими мудири Муҳаммадқодир Мусаев. — Эндиликда бу салбий ҳолатга барҳам бердик. Марказий иситиш тизимига уланган бу муассасаларнинг қувурларини янгиллаш, томларини таъмирлаш борасида катта ҳажмдаги иш бажарилиди. Бунда ҳомий ташкилотлар, хусусан, Олмалик кон-металлургия комбинати, «Аммофос» оқиқ акциядорлик, «Олмаликфит» масъулияти чекланган жамиятларининг кўмаги катта бўлди.

Жорий йилда умумийлиги дастурга қўра, учта мактаб, битта болалар боғчаси таъмирдан чиқарилган эди. Келгуси йилги яна иккита мактаб мутлақо замонавий кийфа қасб этади. Бу ишларнинг ҳам маълум бир қисми ҳомийлар ёрдамида амалга оширилди. Режалаштирилмоқда.

(ЎЗА)



ИНСОН БОРКИ ФАРЗАНДИМ ДЕЙДИ

Хусусийлаштиришга бағишланган вилоят йиғилиши давом этарди. Уни бошқариб бораётган раҳбар бу борада эришилаётган натижалар ва қанчаликлар ҳақида тўхталар экан. Тўрақўрғон туманининг Каттагонсарой қишлоғидаги Муҳаббат Саримсоқова мудирилик қилаётган «Собиррахон ая» номидаги боғча ҳақида алоҳида тўхталди.

— Ушбу масканда тарбияланаётган болаларнинг бир қисми бу йил мактабга бориши, — деди нотик, — Улар бошқа тенгдошларига қараганда, ўқишдан, тартиб-интизомдан урناق, дейишяпти. Сабаби, бу ерда масъулият ҳам, талабчанлик ҳам ўзгача. Мудири ўз боғчасини обрўси учун курашади.

Биз ушбу масканда булғанимизда вилоят йиғилишидаги гапларни эсладик. — Хабарим бор, — деди мудири М.Саримсоқова. — Боғчамиз номига анча илқ фикрлар билдирилди. Бундан бошимиз осмонга етди. Шу билан бир қаторда зимамизга масъулият юклайди. Бизга, ишонимизда, демак, уни оқлашимиз, шу йўналишдаги ишларини яқиндан жонлантиришимиз, кичкинтойларга таълим-тарбия бериш йўлида изланишимиз, бу борардаги илгор тажрибалардан кўпроқ фойдаланишимиз керак.

Очғини, қишлоқ худудидаги «Олтин водий» ширкати ҳўжалигига хизмат тақозоси билан қўп бор йўлимиз тушган. Ҳўжалик бошқаруви идораси биноси яқинидаги бо-

ларга бўйича узоқ йиллар ишлаб, тажриба орттирган акам Камариддин Саримсоқовага айтдим. У мени қўллаб-қувватлади. Маблағимизни бирлаштирдик, тегишли ташкилотларга мувожаат қилдик. Хуллас, Муҳаббатхон таъкидланганидек, ака-сингли гапни бир жойга қўйиб ҳозирги боғча биносини сотиб олишди. Бино анчагина пугурдан кетиб қолганди. Худудни ўраб турган деворлар ҳам қўлаб тушган. Дарахтлар қаровсизликдан қуриб, қуруқ ўтинга айланган.

— Шу боис эшик ва деразалар янгиланди. Ойналар, пол тахталари ўзгартирилди. Боғча биносининг атроф девори янгиланди. Гул ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Умуман, иморатни таъмирлаш ишларининг ўзига 1,5 миллион сўм маблағ сарфланди.

Таълим-тарбия бўйича Каттагонсарой ва бошқа атроф қишлоқлардаги болалар боғчаларида қўлланмаётган янгиликлар жорий этилди. Назира Мелибоева ва Баҳром Ширинбоевлар кичкинтойларга инглиз ва рус тилларини ўргатиш учун тақлиф этилдилар. Натихада боғча туман миқёсидаги намунали мактабга тарбия муассасалари қаторидан жой олди.

О.ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» муҳбири

